SIRDARYO VILOYATI YANGIYER SHAHAR
H O K I M I

121000, Yangiyer shahar, Yangi asr ko'chasi 16-uy telefon: 350-31-16, 350-24-00

Q A R O R I

2021-yil " 29 **"** 04 206 **son**

Янгиер шаҳар ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгилари ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунининг 7-моддаси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган "Йўл ҳаракати Қоидалари" талабларига асосан, Янгиер шаҳар ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактик-огоҳлантириш ва оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган кенг кўламли ташкилий ва амалий чора-тадбирлар режасини ва Янгиер шаҳар ИИБнинг 2021 йил 13 апрелдаги 32/413-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Янгиер шаҳар ИИБнинг 2021 йил 13 апрелдаги Янги аср ва Бобур кўчалари автомобил йўлида йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва тартибга солиш тўғрисидаги 32/413-сонли хати ижро учун қабул қилинсин.

2. Шаҳар ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида ўрнатилиши лозим бўлган йўл белгилари ва манзили иловага асосан тасдиқлансин ҳамда мазкур йўл белгиларини ўрнатишга рухсат берилсин.

3. Шаҳар Ички ишлар бўлими бошлиғи (З.Собиров) ва Ховос туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори (Ш.Шерқулов)га шаҳар

ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгиларини ўрнатиш ва доимий назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

4. Шаҳар ҳокимлиги девонхонаси (С.Турсунқулов), мазкур қарорни, қоғоз ва электрон шаклларда бир кунлик муддатда, тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга етказилишини ташкиллаштирсин.

5. Мазкур қарор ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Мирзаев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **И.Хужаев**

Шаҳар ҳокимининг
2021 йил 29 апрелдаги
206–сонли қарорига
илова

Шаҳар ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида ўрнатилиши лозим бўлган йўл белгилари ва манзили

Р Ў Й Х А Т И

№	Йўл белгиси ўрнатилган манзил номи	Йўл белгисини номи
1.	Шаҳар Бобур М.Ф.Й. Янги аср ва Бобур кўчаларининг туташ (йўлнинг икки томонига) автомобиль йўли (манзил *Тиббиёт бирлашмасига кириш қисми*)га	3.27 (Тўхташ тақиқланган)